

АНЪАНАВИЙ ОБРАЗ ВА УНГА МУНОСАБАТ МАСАЛАСИ

А. ХАЙНТОВ *

Башарият бадий тафаккури борлиқнинг моҳияти ва алоҳида, инсон оламининг тадқиқига йўналтирилган. Шеърят объектив олам таъсиридан озикланиб, унинг моддий элементлари либосида субъектив дунё манзараларини акс эттиради. Шоир кайфияти, руҳ тебранишларидан бино бўладиган шеърга моддий дунё белгилари аралашса-да, барибир унинг илоҳийлигига путур етмайди.

“Туйғунинг ифода зарурати туфайли ҳосил бўлади”ган (1) сўзни бадий матнда қўллаш, унга маъно қатламларини юклаш ҳар бир шоирда алоҳида кузатилади. Шеъринг матнининг яратилишида бадий элементлар – ифода воситалари, тасвирий ишоралар, вазн, қосфия, ритм, сўзларнинг ички қурилиши ва ҳоказолардан фойдаланиш, шоир ижодий малакасининг даражасини белгилайди. Илоҳий-руҳий, тафаккурий билиш ва уни шеър шаклида ифодалашнинг бадий қиммати оригинал тимсолларни кашф қилиш ва анъанавий образларга муносабатда ўзига ҳос кузатишларнинг мавжудлиги билан ўлчанади. Мумтоз шеърятимизда кўп қўлланилган тимсоллардан бири бу – Ой. Ойни ҳар бир шоир ўзича қабул қилган, кузатган ва бадий акс эттирган. Ойга муносабат шеъринг санъатлардан асосан ташбих, шунингдек, ташхис, истиора, муболағалар воситасида амалга оширилган. Бадий тасвир воситалари ёрдамида ойга унинг табий моҳиятидан узоқлашмаган ҳолда, қолаверса, мантикий-тафаккурий боғлиқликсиз мурожаатлар қилинган. Мумтоз шеърятимизда кўпроқ маҳбубанинг юзи ойга қиёс қилинади ва бу қиёслаш асосан ташбих шеъринг санъати воситасида амалга оширилади.

Ойдек юзунгни кўрди шараф ичра офтоб,

Сендек жаҳонда дедик зоти шариф йўк: (2)

Лутфийда ой ташбих яратиш учун хизмат қилган бўлса, Бобур мақсадини истиора воситасида амалга оширади:

Қуёшдек юзунгу дурдек тишининг ҳажрида, эй ой,

Кўзумнинг ёшидур юз катрау ҳар катра дурдона (2)

Мумтоз шеърятимизнинг фаол анъанавий образи – Ойга замонавий ўзбек шеърятдаги муносабатлар билан кизиқиб кўрамиз:

Ҳажрингда бағримни ерга берурман,

Тун бир лаҳад бўлса, ой қабр тошим (3).

Абдулла Ориповда Ой шу тахлит совуқ ва ҳароратсиз кузатишган. Ойни тошга менгаш Азиз Саид шеърда ҳам учрайди:

Сир гориға қўйилган тош – Ой сурилганга ўхшайди (4)

Алишер Навоий ғазалларининг бирида ҳам ой то-рози палласининг тошига қиёс қилинади.

Жамоли нуруни чеккан тарозу ою қуёш,

Магар бу бирда нур эрдию, ул бирисида тош (2)

Ҳозирги ўзбек шеърятда Ой мевага ҳам ўхшатилади. Шавкат Раҳмон шундай ёзади:

Боғларда кўзларим қамашар

Шохларга илинган ойлardan... (5)

Б.Рўзимуҳаммаднинг “гадир будир сўқмоғидан” сўзлари билан бошланувчи шеърда юқоридагига яқин қиёсий тасвир бор:

Учи қўкка теккан дарахтда

Хил-хил пишди дафъатан ҳилол (6)

Ғ.Мирзонинг “Ҳазонларга нишонма, юрак” туркумида эса Б.Рўзимуҳаммад тасвирига жуда яқин бадий ифода мавжуд:

Кўл етмас шохиди улкан шажарнинг

Ғарқ пишган мевадек балқиб турар ой. (7)

Шавкат Раҳмонда боғлардаги меваларнинг ойга ўхшатилиши реал эътирофдан кўра сал мавҳумот ичида берилган. Ялонғоч дарахтлар ортидан кўрина-диган ой, гўё уларнинг шохларига осилиб қолгандек таассурот қолдирмайди, деб айтолмаймиз. Баҳром Рўзимуҳаммад ва Фулом Мирзода ой ғарқ пишган мевага ўхшатишган. Фақат Б.Рўзимуҳаммад бадий тасвир воситаларидан истиорани, Ғ.Мирзо эса ташбихни қўллаган. Шавкат Раҳмон шеърда тун манзараси ва кундуздан кечиб, тунга ошуфта кўнгул таассуротлари акс эттирилган бўлса, Ғ.Мирзода куз фасли баҳонасида юракнинг ўз-ўзига айтаётган тасаллилари қаламга олинган. Учала шоирдан ҳам “Шохларга илинган ойлари”, “улкан дарахтнинг кўл етмас шохиди ғарқ пишган мевадек балқиб турган ой” ёки “учи қўкка теккан дарахтда хил-хил пишган ҳилол” тасвирининг сабабини, қиёслашларнинг қанчалик бир-бирига мантикий боғлиқлигининг боисини изоҳлашни талаб қилиб бўлмайди. Улар ойни шундай кўришни хоҳлайди.

Фахриёр ва Раҳимжон Раҳмат кейинчалик ойнинг яна бир янги қиёсини топди. “Аёлғу” дostonида шундай парча бор:

Ой

Аршу аълонинг

Фаромуш фаришталар

Ёлмай кетган туйнуғи (8)

Раҳимжон Раҳматнинг “Дала гуллари”

туркумида

Ёр юзинга ўхшаган

Юм-юмалоқ анов ой,

У дунёга ўтгучи

Туйнукмасми, ҳойнаҳой (9)

қабилдаги хитобни учратасиз.

Мумтоз шеърятимизда тўлин ой маҳбубанинг юзига қиёс қилиниб, янги туғилган ой – ҳилол эса, асосан, ёр қошига ўхшатишган. Ҳозирги ўзбек шеърятда янги чиққан ой – ҳилолни кузатиш, қиёслаш ва

* А. Хайнтов - М.Утубек номидаги ЎЗМУ ўзбек филологияси факультети аспиранти

кайфиятга монанд кўриш турлича. Шоира Зебо Мирзаева ёзади:

Ой – киз кўзгусининг синик парчаси! (10)

Ғ.Мирзанинг бир учлигида ҳилолнинг-да синик шаклидан ахтарилган қиёс қуйидагича:

Ҳилол синса
Тиш қовлагич бўлган,
Мозийда (11)

Фахриёр янги чиққан ойнинг бундан-да аниқ ва қуйма шаклини чизади.

Х
И
Л
О
Л

Менинг қобирғамдан тўраган (8).

Бундан ташқари у ҳилолни тирнок, ойболта, ўрок, тиниш белгиларидан қавс –) га, тулин ойна эса узук, “пўсти арчилиб занглаб қолган зангори олма”га ментгайд. Ойнинг шакли билан боғлиқ бундай қиёслаш-

ларни ҳозирги ўзбек шеърятининг истаган вакили ижодидан топиш мумкин.

Шоирлар ойга нафақат ташқи тарзи жиҳатидан, балки руҳий кечинмаларидан келиб чиқиб, узоқ боғланишга асосланган сифатлар билан ҳам мурожаат қилишган: Вафо Файзулло ойнаи “дўпписиз”, ҳатто “ўғри ой” сифатлари билан атайди.

Мумтоз шеърятимизда ой билан боғлиқ сифатларда унинг фусункорлиги баробарида юксак ва олий орзулар тисоли эканига ишоралар бор. Бундай ишораларни Шавкат Раҳмоннинг “шоҳларга илтифат”, Б.Рўзимухаммаднинг “учи кўкка теккан дарахтда”ги, Ғ.Мирзанинг “улкан дарахтнинг қўл етмас шоҳида”ги ойларида ҳам кўриш мумкин. Ўтган XX асрда ойдан тупроқ олиб тушишга мушарраф бўлган инсоният янги асрда ой билан боғлиқ бошқа тадқиқотларини авж олдириши тайин. Аммо, фандаги изланишлар бадний адабиёт, ҳусусан, шеърятдаги изланишлар бўла олмайди. Шеърятнинг азалий тасвир воситаси – ой бундан кейин ҳам бадний изланишлар учун сабаб, восита бўлиб қолаверади.

АДАБИЁТЛАР

- 1 Қаршибои М. “Ўнганмаган тақдир талқини” (Адабий-танқидий мақолалар) Тошкент, “Қамаляк”, 1995, 68-бет.
- 2 Ҳожирахмедов А. “Мумтоз бадийят малоҳати” Тошкент “Шарқ”, 1999, 23,95,99-бетлар
3. Орипов А “Йиллар армони” (шеъртар ва дostonлар) Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрияти 1984, 484-бет
- 4 Саид А. “Дити қани бедилнинг”, Тошкент, “Ғузуви”, 1996, 37-бет
- 5 Раҳмон Ш. “Саиланма”, Тошкент, “Шарқ”, 1997, 153-бет
6. Рўзимухаммад Б “Қунауз сарҳадлари” Саиланма. Тошкент, “Меҳнат”, 1999, 181-бет
7. МирзоҒ “Хотиралар соҳар муҳаббат” “Шарқ юлдузи” журнали 1999, 6-сон, 11-бет.
- 8 Фахриёр “Аелгу” (шеърлар ва дostonлар) Тошкент. “Шарқ”, 2000, 154,165-бетлар.
- 9 Раҳмат Р “Дала гуллари”. “Ёшлик”, 3-сон, 1997, 48-бет.
- 10 Мирзаева З “Тун матикаси”. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрияти, 1990 йил, 3-бет.
11. Мирзо Ғ “Яхшиям сиз борсиз..” Тошкент, “Қамаляк”, 1994, 46-бет

РЕЗЮМЕ

В статье “Новизна путей подхода к традиционным образам” показан подход узбекских классических поэтов XX века. В частности, причины творческого влияния в 90-х годах узбекской поэзии, новый подход современных поэтов к классическим художественным героям.

В принципе, творческое влияние – это литературный процесс происходящий у поэтов непроизвольно. Это доказано фактами и примерами. Художественное творчество это душевное излияние, и поэтому при анализе стихотворения это должно учитываться.

В статье “Новизна путей подхода к традиционным образам” пишется о том, что новаторство, во шибство слов и красноречие должно быть найдено из самого стихотворения.

RESUME

In the article “Innovative ways of approach to traditional personages” is shown the approaches of Uzbek classic poets of XX century. In particular, reasons of creative influence in Uzbek poetry of 90th, new approach of modern poets to classic artistic heroes.

In principle, creative influence – is the literary process, which is happening to poets unproductively. This is proved by facts and examples. Artistic creativity is the soul expression, that's why during the analysis it must be taken into account.

In the article “Innovative ways of approach to traditional personages” is written, that innovation, magic of words and eloquence must be found in poem itself.